


X. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларни эркин фаолият юритиши учун қулай шароит ва муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар давомида 2020 йил 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 26 317 тани ташкил қилди. (2019 йил 1 октябррга нисбатан 123,6 % га кўпдир).

**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг
2020 йил 1 октябрь ҳолатига иқтисодий фаолият
турлари бўйича тақсимланиши**



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 33,9 %), саноат соҳасида (24,3 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (9,3 %) ва қурилишда (8,7 %) ташкил этилган.


Худудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар

	2019 йил январь-сентябрь	2020 йил январь-сентябрь
Вилоят жами	4 454	4 900
Наманган шаҳар	1 395	1 042
Мингбулоқ	223	303
Косонсой	288	278
Наманган	276	403
Норин	246	287
Поп	351	453
Тўрақўрғон	276	371
Уйчи	316	394
Учқўрғон	318	353
Чорток	248	303
Чуст	374	409
Янгиқўрғон	229	304

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар худудлар бўйича энг кўп Наманган шаҳрида – 1042 та, Поп туманида – 453 та, Чуст туманида – 409 та, Наманган туманида – 403 та, Уйчи туманида – 394 та, Тўрақўрғон тумани - 371 та, Учқўрғон туманида -353 та, Норин тумани, Янгиқўрғон тумани, Чорток ва Мингбулоқ туманларида бу кўрсаткич ўрта даражада бўлиб, 303-287 тани ташкил этган. Энг паст кўрсаткич Косонсой туманида – 278 тани ташкил этди.



**2020 йил январь-сентябрь ойларида янги ташкил кичик корхона ва микрофирмаларнинг ҳудудлар бўйича улуши,
фоизда**




2020 йил январь-сентябрь ҳолатига ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами миқдоридан энг қўп улуш Наманган шаҳри – 29,4 %, Чуст тумани – 8,4 %, Поп тумани – 7,9 %, Учқурғон ва Уйчи тумаларида – 7,1 %, Косонсой тумани – 6,5 %, Тўрақўрғон ва Наманган тумаларида – 6,2 %, ва Чорток тумани 5,6 % ташкил этди.

2020 йил январь-сентябрь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 74,6 % (2019 йил январь-сентябрда 77,3 %) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан 1912,3 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 65,7 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 266,7 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 77,4 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг
иқтисодиётдаги улуси
(январь-сентябрь ойлари ҳолатига, фоизда)**



**Кичик тадбиркорлик субъектлари (иш, хизмат) ҳажми
(2020 йил январь-сентябрь)**

	Кичик тадбиркорлик субъектлари (иш, хизмат) ҳажми, млрд. сўм	Жами ҳажмга нисбатан улуси, % да
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	13 024,2	98,1
Саноат	3 576,3	48,3
Курилиш	1 894,5	43,7
Чакана савдо	7 191,1	95,3
Юк ташиш, млн. тонна	20,6	95,1
Йўловчи ташиш, млн. киши	309,0	89,4

**2020 йил январь-сентябрь ойларида кичик тадбиркорликнинг
худудлар кесимида иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши,
(фоизда)**

	Саноат	Курилиш	Хизматлар	Инвестициялар
Вилоят жами	48,3	89,8	65,2	76,2
Наманган шаҳар	60,3	73,2	31,9	72,0
Мингбулоқ	16,0	100,0	95,9	55,5
Косонсой	98,4	100,0	96,2	94,1
Наманган туман	43,3	100,0	91,7	80,6
Норин	29,1	100,0	94,5	83,1
Поп	52,2	72,8	86,3	57,5
Тўракўрғон	18,3	100,0	87,2	55,2
Уйчи	58,3	100,0	96,7	88,4
Учқўрғон	18,4	100,0	94,0	95,8
Чорток	100,0	96,6	94,4	81,0
Чуст	67,6	96,8	93,3	92,8
Янгиқўрғон	100,0	100,0	96,8	89,3

Ҳудудлар бўйича **саноат** соҳасининг юқори улушкини Чорток ва Янгиқўрғон туманлари (100,0 %) ҳамда Косонсой (98,4 %) туманлари ташкил этди.

Курилишда - Мингбулоқ, Косонсой, Наманган тумани, Норин, Тўракўрғон, Уйчи, Учқўрғон ва Янгиқўрғон туманлари 100,0 %, Чуст 96,8 %, Чорток 96,6 %, Наманган шаҳар 73,2 % ва Поп тумани 72,8 % ташкил этди.

Хизматлар соҳасида – Янгиқўрғон (97,9 %), Уйчи (97,6 %), Мингбулоқ (95,6 %) Наманган туман (95,4 %), Чорток (95,0 %), Норин (94,9 %), Учқўрғон (94,5 %), Чуст (93,3 %), туманлари ташкил этди.

Инвестицияда – Учқўрғон (95,8 %), Косонсой (94,0 %), Чуст (92,8%), Янгиқўрғон туманлари (89,3 %), Уйчи (88,4 %), Норин (83,1 %), ва Чорток (81,0 %) туманлари юқори улушларни ташкил этди.